

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАЛЛАЕВ МАКСУД МУҲАММАДИЕВИЧ

**МЕЪДА САРАТОНИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ
МОРФОЛОГИК-МОЛЕКУЛЯР АСОСЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия
14.00.14 - Онкология**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Маллаев Максуд Мухаммадиевич

Меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг

морфологик-молекуляр асослари..... 3

Маллаев Максуд Мухаммадиевич

Морфологическо-молекулярные основы диагностики

и лечения рака желудка..... 29

Mallaev Maksud Muhammadievich

Morphological and molecular basis of diagnosis

and treatment of stomach cancer..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАЛЛАЕВ МАКСУД МУХАММАДИЕВИЧ

**МЕЪДА САРАТОННИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ
МОРФОЛОГИК-МОЛЕКУЛЯР АСОСЛАРИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

14.00.14 - Онкология

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib701 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Турсунов Хасан Зияевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупбеков Аброрбек Ахмаджонович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нишанов Данияр Анарбаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Манекенова Кенжекыз Боранбаевна

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон Республикаси)

Sachin Marda

тиббиёт фанлари доктори, профессор (Ҳиндистон)

Етакчи ташкилот:

Едитепе университети (Туркия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib .30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда морфо-молекуляр ҳамда клиник онкологиянинг жадал ривожланиши, замонавий тиббий технологияларнинг яратилиши ва даволаш усулларининг такомиллашиши натижасида тиббиётда, шу билан биргаликда онкология соҳасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Охирги юз йилликда шу даражада кўп маълумотлар базаси шаклландики, буларни клиник аҳамиятлари ҳақида таҳлиллар ҳалигача етарли эмас. Шу билан биргаликда молекуляр ташхисларнинг ирқ ва регион бўйича фарқли натижалар беришини инобатга олган ҳолда, худудимиз популяциясидаги кўрсаткичлари ҳали ўрганилмаган. Меъда саратони дунёда ўлим кўрсаткичи бўйича етакчи ўринни эгаллаб турибди. Статистик маълумотларга кўра «...Шарқий Осиё минтақаси касаллик учраши бўйича етакчилик қилади. Ўлим кўрсаткичининг пастлиги бўйича Шимолий Америка, Европа ҳамда марказий Америка, хусусан Мексико, Куба, Порте Рико давлатлари етакчидирлар...»¹. Ваҳоланки, учраш даражаси Россияда, Марказий ва шарқий Осиё ва баъзи Лотин Америка давлатларида мунтазам юқориликча қолмоқда. 5 йиллик яшовчанлик ривожланган давлатларда 30% ва ривожланаётган давлатларда 20%ни кўрсатмоқда. Меъда саратонини эрта босқичларида специфик патогномик симптомлари бўлмаслиги беморларнинг кеч босқичларида ташхис қўйилишига сабаб бўлади. Шу билан биргаликда ихтисослашган тиббий хизматнинг сифати, даволаш самарадорлиги ва натижаларини такомиллаштириш фундаментал тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада меъда саратони хужайраларида микромуҳит тузилмасини ўсмани гистологик тури ва жойлашишига боғлиқлиги, меъда саратонига хос биологик маркерларни даволаш самарадорлигини башоратлашдаги ўрнини ҳамда меъда саратони патологик ангиогенезида VEGF экспрессияси ва ўсмадаги микротомирлар зичлигини тадқиқ қилиш ҳамда нуклеар тиббиёт ва радиологик текширув усулларини меъда саратони ташхисида патологик ўчоқлар фаоллик даражасини гистологик хулосаларга кўра аҳамиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тизимини жаҳон андозаси талабларига мослаштириш, жумладан, патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни ўтказишга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини

¹ Kempf W., Pfaltz K., Vermeer M.H., et al. EORTC, ISCL, and USCLC consensus recommendations for the treatment of primary cutaneous CD30-positive lymphoproliferative disorders: lymphomatoid papulosis and primary cutaneous anaplastic large-cell lymphoma. Blood 2019; 118:4024–4035

янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сон «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Hawaii, Johns Hopkins University (АҚШ); University of Cambridge (Буюк Британия); University Hospital Regensburg, University of Leipzig, Kiel University (Германия); University of Bordeaux (Франция); Netherlands Cancer Institute (Голландия); University of Porto (Португалия); Jagiellonian University (Польша); Hamedan University of Medical Sciences (Эрон); Nantong University (Хитой); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.hawaii.edu, www.jhu.edu, www.cam.ac.uk, www.ukr.de, www.uni-leipzig.de, www.uni-kiel.de, www.u-bordeaux.fr, www.avl.nl, www.up.pt, www.uj.edu.pl, www.en.umsha.ac.ir, www.en.ntu.edu.cn сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: сурункали оғрикни даволашда меъданинг диффуз ирсий саратонининг генетикаси, биологик механизмлари ва даволашга замонавий ёндошув тактикасининг тартиби баҳоланган (University Hospital Regensburg (Германия)); меъда саратонининг эрта босқичларида хавф белгиларни башоратлашнинг бирлашган алгоритми ишлаб чиқилган University of Hawaii (АҚШ); in vivo шароитида ўпканинг ривожланишининг янги замонавий хусусиятларининг тажриба шароитида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган University of Cambridge (Буюк Британия); ex vivo шароитида хужайравий ва хужайрасиз шароитида ўпканинг мезазланишини хужайра матриксларида баҳоланган Houston Methodist Hospital Research Institute (АҚШ); меъда саратонини метастазланишини бошқаришда кодланмаган РНК ўрни ва аҳамияти исботланган University of Nantong (Хитой); меъда саратонининг турғун бўлмаган EGFR, FGFR2, HER2 и MET прогностик биомаркерларининг ўрни исботланган (University of Kiel (Германия); жароҳатланиш ва шикастланишдан кейинги меъданинг функционал ҳолатини тикланишини молекуляр, иммун, гуморал ва биоинженерия усулларида ёндошуви ишлаб чиқилган Perinatal Institute (Буюк Британия); (University of Catania, Италия); меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асослари такомиллаштирилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштиришда қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: меъда саратони патологик ангиогенезида VEGF экспрессияси ва ўсмадаги микротомирлар зичлигини тадқиқ қилиш; нуклеар тиббиёт ва радиологик текширув усулларида меъда саратони ташхисида патологик ўчоқлар фаоллик даражасини гистологик хулосаларга кўра аҳамиятини асослаш; ташхислаш ва даволаш самарадорлигига таълуқли биомаркерларни информативлигини инобатга олган ҳолда меъда саратонинг янги даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш; меъда саратони молекуляр-морфологик жихатларига асосланган комбинирланган даволаш усулларида такомиллаштириш.

Муоммонинг ўрганилганлик даражаси. Меъда саратонини ташхислашда клиник, инструментал ва молекуляр биологис усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, мавжуд адабиётларда ва касалликнинг ташхисоти ва даволаши бўйича хорижий тавсияларда кенг тушинтирилган (M.K.Choi, 2017; A.Zulloa, 2020; P.V.Filip, 2018). Касалликнинг келиб чиқишида этиологик омилларнинг ўрни, касалликнинг молекуляр субтиплари ҳамда, иммуногистохимик рецепторлар комплекси патоморфологлар тарафидан жуда чуқур ўрганилган, аммо ушбу маълумотларнинг таҳлилий хулосалари айнан касалликни даволаш амалиётига кириб келмаган. Меъда саратонида субтиплари бўйича аниқланган рецепторлар комплексига мос равишда ҳозиргача кулф-калит тизимидаги даволаш стандартлари етарлича ўрганилмаган. (Ю.В.Консталанова, 2017; Owens, 2016; Lauren B. Smith, 2018; Shaun Rosebeck, 2017; Peter C. Lucas, 2021; McAllister-Lucas, 2016; Magdalena Witkowska, 2016; Piotr Smolewski, 2018; Scott R., 2017) илмий

ишларининг таҳлили меъда саратонининг молекуляр-патогенетик механизмлари, иммунотерапия даво чоралари истиқболлари бўйича батафсил тушинтирилган бўлсада, муаллифлар бу жараёнда ҳануз ўз ечимини қутаётган саволлар кўплигини таъкидлаб ўтишган (И.А. Королева, 2016; И.Л. Давыдкин, 2015; А.М. Осадчук, 2017; Zucca E, 2018; Cesare Hassan, 2018; Lorenzo Ridola, 2019; Alessandro Andriani 2018) ишларида меъда саратонида ҳозирги кунда мавжуд ёндашувлар муҳокама этилган ва ишлаб чиқилган. Уларда энг асосий даволаш стандартлари ичида олтин стандарт дея таъкидланган оператив даво ва босқичларига кўча кимёвий даво бўйича йўриқномалар келтирилган бўлсада, камчиликлари сифатида меъда саратонининг патоморфологик турлари ҳамда молекуляр таснифи бўйича ихтисосланган даво йўриқномалари мавжуд эмас. Ҳар бир беморда иммуногистохимик тадқиқот олиб боориш имкониятини мавжуд эканлигини ҳисобга олсак ва мазкур хулосалар бўйича даво чораларининг самарадорлиги, ҳамда иқтисодий фойдасини инобатга олганимизда, мамлакатимиз ҳудудида ушбу касалликни даволаш самарадорлиги ва шу билан бирга иқтисодий қулайликларини амалиётга тадбиқ қилиш ката аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда турли соматик хасталикларнинг асорати натижасида ривожланадиган онкологик касалликларни турли йўналишларда ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Р.Исроилов, 2023; Х.З.Турсунов, 2022; 2023; Нишанов, Д.А., 2023, Тилляшайхов М.Н., 2023), бироқ, меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини ўзининг ечимини топмаган.

Меъда саратонини ташхислаш ва даволашда молекуляр ташхислаш усулларини бевосита шифохонага олиб кириш ва амалий аҳамиятини кўрсатиб беришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу билан бирга, меъда саратонини даволаш ва ташхислашда патоморфологлар билан узвий боғлиқ ҳолда мултидисциплинар ёндошувни таъминловчи алгоритмни ишлаб чиқиш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасаси ёки илмий–тадқиқот ташкилотининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади меъда саратони билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини морфо-молекуляр жиҳатларини ўзига хос хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меъда саратони хужайраларида микромухит структурасини ўсмани гистологик тури ва локализациясига боғлиқлиги баҳолаш;

меъда саратонига хос биологик маркерларни даво самарадорлигини башорат қилишдаги ўрнини баҳолаш;

меъда саратони патологик ангиогенезида VEGF экспрессияси ва ўсмадаги микротомирлар зичлигини тадқиқ қилиш;

нуклеар тиббиёт ва радиологик текширув усулларини меъда саратони ташхисида патологик ўчоқлар фаоллик даражасини гистологик хулосаларга кўра аҳамиятини баҳолаш;

ташхислаш ва даволаш самарадорлигига таълуқли биомаркерларни информативлигини инобатга олган ҳолда меъда саратонинг янги даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

меъда саратони молекуляр-морфологик жихатларига асосланган комбинирланган даволаш усулларининг натижаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017 йилдан 2022 йилгача «Akfa medline» ва «New life Medical» нодавлат тиббиёт муассасаларида ташхислаш ва стационар шароитида даволанган 20 дан 79 ёшгача бўлган 110 нафар меъда саратони билан хасталанган беморларнинг ташхислаш ва даволаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштириш беморлар меъдасидан олинган гистологик материаллар олинган.

Тадқиқот усуллари. Меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштиришда клиник, эндоскопик, инструментал, патоморфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меъда саратонини эрта ташхислашда анъанавий ташхислаш усуллари билан биргаликда замонавий нуклеар тиббиёт технологияси ва янги морфо-молекуляр текширув усулларининг аҳамияти асосланган;

меъда саратонида ишончлилиқ натижа берувчи патоморфологик белгилар негизида юқори технологик ва ўсманинг гистологик хусусиятлари орасидаги муаносиблик асосида самарали клиник тактикани танлаш тартиби ишлаб чиқилган;

хужайравий микромуҳитни олинган натижалар асосида меъда саратонига хос VEGFP ва EGFR биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамияти, касалликнинг патоморфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш тактикасини танлаш тартиби ишлаб чиқилган; меъда саратонида ўсмани таргет ва иммуногистокимёвий даволаш резистентлигини баҳолашда MUC ва CD10 биологик маркерларнинг ўрни исботланган;

меъда саратонида позитрон эмиссион томографияси/компютер томографияси ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган янги ташхислаш ва даволаш стандартини таклиф этиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

меъда саратонининг молекуляр субтурлари бўйича даволаш чоралари ишлаб чиқилган;

турли субтурларининг клиник кечиши ва этиопатогенетик механизми бўйича даво чораларининг алгоритми ишлаб чиқилган;

меъда саратонининг патоморфологик турлари бўйича радиологик текширувларга кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

меъда саратонида иммунотерапиянинг ўрни ва аниқ кўрсатмалар бўйича муолажа турлари амалиётга тадбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, эндоскопик, инструментал, патоморфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, меъда саратонини ташхислаш ва даволашнинг морфологик-молекуляр асосларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиник амалиётга ташхислаш чоралари алгоритмини жорий этиш орқали меъда саратони билан хастланган беморларда ташхислашни яхшилаш режалаштирилган, бу эса беморларда текшириш вақтини қисқартириш, замонавий ташхислаш усулларида оқилона фойдаланиш ва текшириш сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меъда саратони билан хастланган беморларни даволашда селектив ёндошувни оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора тадбирлар-даволашнинг бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш, локал метастазларнинг даражасини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2024 йил 4 майдаги 05/109-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 1 февралдаги 09-13101-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: меъда саратонини эрта ташхислашда анъанавий ташхислаш усуллари билан биргаликда замонавий нуклеар тиббиёт технологияси ва янги морфо-молекуляр текширув усуллариининг аҳамияти ҳамда ўрни исботлангани Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали нур ва кимётерапия бўлими бўйича 02.02.2024 йилдаги 02-А/24-сон ҳамда Республика патологик анатомия маркази бўйича 03.02.2024 йилдаги 2/В13-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг*

ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган ташхислаш биринчи марта коррекцияловчи усуллар ёрдамида ўпкалар ва плевранинг шикастланиш жойлари ва майдони, тури, клиник-морфологик вариантларига боғлиқ холда плевра бўшлиғида экссудатни тўпланиш жадаллиги ҳамда беморлар умр давомийлигини узайишига қаратилган замонавий ташхислаш тартиби яхшиланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* меъда саратонини эрта ташхислашда анъанавий ташхислаш усуллари билан биргаликда замонавий нуклеар тиббиёт технологияси ва янги морфо-молекуляр текширув усулларининг аҳамияти ҳамда ўрнини баҳолаш, беморни шифохонада ётиш вақтининг 100%га қисқартиш орқали бюджет маблағларини ўртача 1650000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* меъда саратонини эрта ташхислашда анъанавий ташхислаш усуллари билан биргаликда замонавий нуклеар тиббиёт технологияси ва янги морфо-молекуляр текширув усулларининг аҳамияти ҳамда ўрнини исботлаш орқали беморларни шифохонада бўлиш вақтини 100%га қисқартириш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 1100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: меъда саратонида ишончлилик натижа берувчи патоморфологик белгилар негизида юқори технологик ва ўсманинг гистологик хусусиятлари орасидаги мутаносиблик асосида ишлаб чиқилган самарали клиник тактикани танлаш тартиби Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали нур ва кимётерапия бўлими бўйича 02.02.2024 йилдаги 02-А/24-сон, Республика патологик анатомия маркази бўйича 03.02.2024 йилдаги 2/В13-сон ҳамда «Akfa Medline» хусусий клиникаси бўйича 03.02.2024 йилдаги 02/ТВ/005-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* статистик ҳаққонийлик имкониятини берувчи патоморфологик материаллар негизида юқори технологик тадқиқот усуллари ва ўсманинг гистологик хусусиятлари орасидаги мутаносиблик мослиги асосида клиник тактикани танлаш тартиби ишлаб чиқиш натижасида самарали даволаш тартибини татбиқ этиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* меъда саратонида ишончлилик натижа берувчи патоморфологик белгилар негизида юқори технологик ва ўсманинг гистологик хусусиятлари орасидаги мутаносиблик асосида самарали клиник тактикани танлаш тартиби ишлаб чиқиш бюджет сарф харажатларини 1100000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* меъда саратонида ишончлилик натижа берувчи патоморфологик белгилар негизида юқори технологик ва ўсманинг гистологик хусусиятлари орасидаги мутаносиблик асосида самарали клиник тактикани танлаш тартиби ишлаб чиқиш орқали беморларни шифохонада бўлиш вақтини 100%га қисқартириш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 1100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: хужайравий микромухитни олинган натижалар асосида меъда саратонига хос VEGFP ва EGFR биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамияти, касалликнинг патоморфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш тактикасини танлаш тартиби Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали нур ва кимётерапия бўлими бўйича 02.02.2024 йилдаги 02-А/24-сон, Республика патологик анатомия маркази бўйича 03.02.2024 йилдаги 2/В13-сон ҳамда «Akfa Medline» хусусий клиникаси бўйича 03.02.2024 йилдаги 02/ТВ/005-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* олинган натижалар асосида меъда саратонига хос биологик маркерлари ўрни ва аҳамияти, касалликнинг патоморфологик хусусиятларига қараб даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш орқали самарали даволаш тартибини татбиқ этиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* олинган натижалар асосида меъда саратонига хос VEGFP ва EGFR биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамияти, касалликнинг патоморфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш тактикасини танлаш тартиби ишлаб чиқиш орқали бюджет сарф харажатларини 1100000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* олинган натижалар асосида меъда саратонига хос VEGFP ва EGFR биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамияти, касалликнинг патоморфологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда даволаш тактикасини танлаш тартиби ишлаб чиқиш орқали беморларни шифохонада бўлиш вақтини 100%га қисқартириш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 1100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: меъда саратонида ўсмани таргет ва иммуногистокимёвий даволаш резистентлигини баҳолашда МУС ва СД10 биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамияти исботлангани Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали нур ва кимётерапия бўлими бўйича 02.02.2024 йилдаги 02-А/24-сон, Республика патологик анатомия маркази бўйича 03.02.2024 йилдаги 2/В13-сон ҳамда «Akfa Medline» хусусий клиникаси бўйича 03.02.2024 йилдаги 02/ТВ/005-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* меъда саратонида ўсманинг даволашга резистентлигини баҳолашда МУС ва СД10 биологик маркерларидан фойдаланиш натижасида меъда саратонини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини танлаш, ўсманинг тарқалишини ўз вақтида тўхтатиш ва пациентларнинг умр кўриш давомийлигини 5 йилгача узайтириш, ногиронликни олдини олиш ва ўлим даражасини қисқартириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* меъда саратонида ўсмани таргет ва иммуногистокимёвий даволаш резистентлигини баҳолашда МУС ва СД10 биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамиятини исботлаш орқали бюджет сарф харажатларни бир нафар бемор ҳисобига бир

марта ташхислаш учун 179000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* меъда саратонида ўсмани таргет ва иммуногистокимёвий даволаш резистентлигини баҳолашда МУС ва СД10 биологик маркерларнинг ўрни ва аҳамиятини исботлаш орқали беморларни шифохонада бўлиш вақтини 100%га қисқартириш натижасида ногиронлик туфайли нафақага сарфланадиган маблағларни 4200000 сўмгача қисқартириш ҳамда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 1100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: меъда саратонида позитрон эммисион томографияси/компютер томография ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган комбинирланган даволаш натижалари асосида ишлаб чиқилган клиник амалиётга янги ташхислаш ва даволаш стандартини таклиф этиш тартиби Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали нур ва кимётерапия бўлими бўйича 02.02.2024 йилдаги 02-А/24-сон, Республика патологик анатомия маркази бўйича 03.02.2024 йилдаги 2/В13-сон ҳамда «Akfa Medline» хусусий клиникаси бўйича 03.02.2024 йилдаги 02/ТВ/005-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* меъда саратонида позитрон эммисион томографияси/компютер томография ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган комбинирланган даволаш натижалари асосида клиник амалиётга янги ташхислаш ва даволаш стандартини киритиш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронликни олдини олиш ва умр кўриш давомийлигини узайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* меъда саратонида позитрон эммисион томографияси/компютер томография ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган комбинирланган даволаш натижалари асосида клиник амалиётга янги ташхислаш ва даволаш стандартини таклиф этиш орқали шифохонага ётқизишни камайтириш натижасида бир нафар бемор ҳисобига бюджет сарф харажатларини бир курс даволаш учун 1100000 сўмга иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* меъда саратонида позитрон эммисион томографияси/компютер томография ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларга асосланган комбинирланган даволаш натижалари асосида клиник амалиётга янги ташхислаш ва даволаш стандартини таклиф этиш тартибини ишлаб чиқиш беморларни шифохонада бўлиш вақтини 100%га қисқартириш ва амбулатор онколог назоратига ўтказиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини бир курс учун 1100000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 170 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меъда саратонини патоморфологик ва молекуляр ташхислашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий илмий нашрларнинг мушоҳадаси келтирилган. Ушбу бобда меъда саратонини келиб чиқишнинг этиологик омиллари, патогенези, паиоморфологик ва молекуляр-морфологик ташхисотининг замонавий морфология, патологик анатомия ва онкологик хусусиятларининг ҳал этилмаган муаммоларининг асосий жиҳатлари акс эттирилган адабиётлар келтирилган. Меъда саратони муаммосининг ҳозирги ҳолати ҳамда соҳада ҳали ҳал этилмаган асосий муаммолар ёчимини топишга қаратилган муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Меъда саратонини патоморфологик ва молекуляр ташхислаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида илмий изланишимизнинг ҳаққонийлиги таъминлаш мақсадида қуйидаги тадқиқот дизайни асосида иш олиб борилди: тадқиқот объектининг ёш ва жинсга боғлиқ жиҳатларини, клиник кечишидаги тафовутларини, умумий клиник ва махсус инструментал текширув усуллари натижаларини, касаллик ривожланишида сигнал йўлларининг ўрнини ҳамда иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгаришга мойиллиги ўрганилди. Илмий ишимизни когорт усулида олиб бориш мўлжаллангани сабабли назорат гуруҳи инобатга олинмаган. Режалаштирилган илмий ишнинг бир қисми сифатида, умумэтироф этилган тадқиқот усуллари негизида замонавий тадқиқот усуллари қўлланилди – цитогенетик, цитоморфологик ва иммуногистохимик усуллар ёрдамида амалга оширилди. Барча беморларнинг ташхиси гистологик усул билан верификация қилинган. Асосий гуруҳ беморларининг ёши 20 дан 79 ёшгача бўлиб, ўртача 53 ёшни ташкил қилади (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотга олинган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

	Ёш	Беморлар сони (n=110)			
		Эркаклар		Аёллар	
		абс	%	Абс	%
	<25	1±0,11	1,21	1±0,11	1,21
	26-44	3±0,33	2,44	1±0,33	1,21
	45-59	18±0,19	15,85	14±0,19	12,2
	60-74	28±0,16	25,61	23±0,16	20,73
	75 ва юқори	13±1,09	12,2	8±1,09	7,32
	Жами	63±1,34	57,32	47±1,34	42,68

1-жадвалдан кўришиб турибдики, меъда саратони асосан кекса ёшдаги аҳоли орасида кўпроқ учрайди. Меъда саратони учраши эркаклар сонининг бироз устунлигини ҳисобга олмаганда аёллар ва эркаклар нисбатига кўра деярли бир хил.

Беморларнинг шикоятларини диққат билан ўрганилганда, меъда саратони ташхиси қўйилган беморлар асосан клиникага эпигастрал соҳадаги оғриқларга, ичининг қора келишига, кўнгил айнишга, қусишга, жиғилдон қайнаши каби шикоятлар билан мурожаат қилган. Барча танланган беморлар анамнези ўрганилганда, сурункали гастритнинг бир неча бор узок муддат давомида самарасиз даволанганлиги аниқланган. Беморларнинг шикоятлари, суриштирув ва умумий кўрик бўйича касалликни фарқловчи ўзига ҳос хусусиятлар аниқланмади. Кўнгил айниш ва қайт қилиш аксарият аъзоларида кузатилган. Беморларнинг ишга лаёқатсизлик кўрсаткичини солиштирганимизда, бу улуш жуда камчиликни ташкил қилди. 10 нафар (5,9%) беморларда касалликнинг босқичига қарамасдан ўсма жараёни ҳеч қандай шикоятларсиз намоён бўлган. Меъда саратонини босқичлашда АЖСС (American Joint Committee on Cancer) томонидан 2017 йил 8-нашри билан махсус ишлаб чиқилган таснифига асосан босқичларга бўлинади. Мазкур таснифга кўра меъда саратонини босқичларга ажратишнинг 4 даражаси мавжуд.

Беморга ташхис қўйиш, касалликнинг босқичлари, даволаш натижаларини баҳолаш ва динамикада кузатиб бориш комплекс текшириш усуллари, жумладан, клиник лаборатор, инструментал (ўпка рентгенографияси, УТТ, МСКТ, МРТ, ПЭТ-КТ), ҳамда иммуногистохимёвий ва НГС усуллар орқали амалга оширилган.

Ўз навбатида, дастлабки эндоскопик верификациянинг амалиётдан кейинги макропрепаратнинг гистологик хусусиятлари билан солиштирилган холда, ҳамда инструментал текширувларнинг гистологик вариациялар кесимида сезувчанлигини баҳолаш орқали ахборот самарадорлигини аниқланди. Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда морфологик тури

ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларига асосланган стандарт даво ишлаб чиқилмаганлиги маълум бўлди ва шартли равишда ўтказилган даво муолажаларига асосан меъда саратони билан хасталанган беморларни тўрт шартли гуруҳга ажратдик: I– гуруҳ: жаррохлик амалиёти (кенгайтирилган гастрэктомия, меъда резекцияси) + адъювант кимё терапия билан биргаликда 62 нафар, II – гуруҳ: ноадъювант кимёвий терапия + жаррохлик амалиёти 23 нафар; III – гуруҳ фақат жаррохлик амалиёти ўтказилган 13 нафар; IV– гуруҳ ноадъювант ПХТ + жаррохлик амалиёти + аПХТ билан биргаликда 12 нафар беморда ўтказилган. Бундан ташқари бир гуруҳ беморларимизда иммуногистокимёвий текширувларимиз натижасига кўра паллиатив даво мақсадида таргет ва иммуно даво муолажалари ўтказилди. Мазкур муолажалар касалликнинг кимёвий давога резистент холатларида, давомли ўсиш жараёнларида, ҳамда касалликнинг қисқа муддатда қайталаниш холатларида НССН протоколлари асосида ўтказилди.

Эндоскопик усулда меъда саратони жойлашиш соҳаси аниқланишига кўра: меъда проксимал қисмида 25 нафар (22,7 %); танасида 53 нафар (47,7%); антрал ва пилорик соҳаларида 29 нафар (26,3%) беморда аниқланди. Меъданинг тотал зарарланиши 3 (2,7%) нафар беморда кузатилди. Мазкур жадвални юқоридаги гуруҳлар билан қиёслаган ҳолда кўрсатдик.

Текширув усуллари. Тадқиқотни объектив олиб бориш мақсадида, ҳамда буюриладиган даво муолажаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун тасдиқланган стандарт текширувлар шу билан бирга баъзи махсус текширув усулларида фойдаланилди.

Клиник-лаборатор текшириш усуллари. Беморлар махсус даво чоралари кўрилгунча қуйидаги текширувлар кетма-кетлигидан ўтишди: беморлардан диспепсия белгилари мавжудлигига ва унинг ривожланиб бориш суръатига қараб синчковлик билан анамнез йиғиш; ҳамма периферик барча лимфа тугунлари (жағ ости, бўйин-ўмров усти, ўмров ости, қўлтиқ ости, ёнбош, чов, сон, тирсак ва энса), талоқ ва жигарни пайпаслаб текшириш; эндоскопик текшириш мобайнида ва операция давомида гистологик текшириш мақсадида биопсион материаллар олиш; олинган материаллардан махсус шартларга асосан препаратлар тайёрлаган ҳолда кейинги иммуногистокимёвий текширувлардан ўтказиш.

Ультратовуш текшируви (УТТ): барча периферик лимфа тугунлари гуруҳларида, бўйин-ўмров усти, ўмров ости, қўлтиқ ости, ёнбош, чов, сон, тирсак ва энса тугунлари кўшилган ҳолда олиб борилди; меъда, жигар, талоқ, парааортал ва ёнбош лимфа тугунлари, қорин бўшлиғини текшириш. УТТ барча беморда (110 нафар) «Соносопе-30» (Германия) аппаратида олиб борилди.

Позитрон эммисион томографияси/компютер томографияси (ПЭТ/КТ) текшируви: беморларда ўсма тарқалганлиги, ўсма фаоллиги ҳамда метабализмини баҳолаш мақсадида олиб борилди. Глюкозанинг радиоактив аналогли бўлган 18Ф-флоридеоксиглюкоза (18Ф-ФДГ) қонга юборилгандан кейин ПЭТ сканери ёрдамида, радиоактив глюкозани йиғилиш зоналари кузатилди.

Олинган натижалар компьютер томографияси натижалари билан солиштирилди: кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи, кичик тос аъзоларининг мулти-слайсли компьютер томографиясида МСКТ беморларда ўсма тарқалганлиги, ўсма инвазиясининг чуқурлиги, регионар лимфа тугунлари, атрофдаги клетчатка ва яқинда жойлашган анатомик тузилмаларни ҳолатини баҳолаш мақсадида ёд сақловчи контраст билан уч фазали режимда олиб борилди.

Қоннинг клиник таҳлили: эритроцитлар, гемоглобин, тромбоцитлар миқдори, нейтрофиллар, лейкоцитар формула, ЭЧТни аниқлаш, коагулограмма, биокимёвий таҳлиллар, умумий сийдик таҳлили бажарилди.

Қоннинг биокимёвий таҳлили: креатинин, мочевина, билирубин, умумий оксил, Д-димер, трансaminaзалар миқдорлари текширилди. Қон гуруҳи, гепатит В ва С, ОИТС, RWга таҳлил қилинди.

Инструментал текширув усуллари. Ультратовуш текшируви (УТТ). Иккала гуруҳ беморларда ҳам «Соносопе 20» (Германия) аппаратида реал вақт мобайнида госпитализация қилинишидан олдин ва динамик назорат даврида текширилди. Текширув давомида ўсманинг локализацияси, контурлари, ўлчами, эхогенлиги аниқланди. Шу билан бирга бошқа органлардаги метастазлар, қорин бўшлиғи лимфа тугунлари, жигардаги ўзгаришлар, қорин бўшлиғидаги асситик суюқликлар кўрилди.

Эндоскопик гастродуоденофиброскопия (ЭГДФС) «Olympus» GIF-Q20, GIF-Q30, GIF-Q40 и GF-20. дуоденоскопи ёрдамида амалга оширилди. Ҳамма касалларда меъда – ичак тизими юқори қисмини баҳолаш мақсадида текширилди. Беморларда эндоскопик текшириш жараёнида бир пайтнинг ўзида биопсия олинди.

Позитрон эммисион томографияси/компьютер томографияси (ПЭТ/КТ). Диагностик тадқиқотлар Генерал Элестрис Диссоверй ПЭТ/СТ 610 қурилмаси ёрдамида амалга оширилди.

Радиофармацевтик препаратни (РФП) қўллаш ҳамда сканерлашдан сўнг, 60-90 дақиқада ПЭТ тасвирлари ҳосил бўлди, РФПнинг тана бўйлаб ҳам физиологик ҳам соҳалари тарқалиш даражасини кўрсатди. ПЭТ ва КТ сканерларида олинган тасвирларни автоматик равишда бирлаштириш учун дастурий таъминот ишлатилди. Дастлаб, рентгенолог органлардаги структуравий патологик ўзгаришларни таҳлил қилди, сўнгра РФП тўпланиш даражасини баҳолаш ва меъда соҳаси ўсмаларнинг КТ денситометриясини аниқлаш амалга оширилди. Меъда ўсмаларининг метаболик фаоллиги SUV даражаси (радиофармацевтик моддаларни тўплашнинг стандартлаштирилган кўрсаткичи) билан аниқланди.

Мултислайсли компьютер томография (МСКТ). Асосий гуруҳдаги ҳамма беморларда МСКТ ўтказилди. Кузатув мақсадида даво муолажаларидан сўнг ҳар 6 ва 12 ойларда МСКТ текшируви ўтказилди.

Махсус текширув усуллари. Морфологик текширувлар “Медиафарм” хусусий шифохонаси амалга оширилди. Барча 110 нафар беморлардан олинган гистологик препаратлар таҳлил қилинди. Гистологик ва гистокимёвий текширишларни унификациялаш қўлланмасига кўра биопсион

ва операцион материаллар қайта ишланди: 10% ли нейтрал формалинда (рН=7.2-7.4) фосфат буфери иштирокида 24 соатдан кам бўлмаган вақтда фиксацияланди, концентрацияси ортиб борувчи спиртда препарат SUVсизлантилди. Шундан сўнг материал парафинга қўйилди. Тайёрланган блоклардан бир нечта кесмалар олинди. Морфологик текширув препаратларни гематоксиллин-эозин, Ван-Гизон пикрофуксини каби бўёқлар билан бўяб ўтказилди. Биопсион материаллардан тайёрланган гистологик кесимлар «МБИ-6», «Leica» ёруғлик микроскоплари остида 20х, 40х, 100х, 200х, 400х объективида ўрганилди ва меъда саратони ташхислари гистологик усулда тасдиқланди.

Бундан ташқари, карциноманинг ўсиш тури ва стромал ўсма компоненти ҳамда шиллик қаватнинг ёндош склеротик реакцияси (ШҚСР) борлигини баҳоланди. Қаватларнинг нисбати 1:1 дан камроқ бўлса ШҚСР барқарор, 1:1 дан катта бўлса кучли ифодаланган бўлади. Мушак қавати ва шиллик ости қаватнинг қалинликлари нисбати меъёردа 1:0,2-0,5 ни ташкил этади.

ИГК текширув учун ўсманинг энг репрезентатив ҳудудлари танлаб олинган ва 15-20 та буюм столчаларида 5 мкм қалинликдаги серияли парафин кесмалари тайёрланган. Кесмаларни микротўлқинли режимда қайта ишлашдан сўнг (2 дақиқали интервал ва 650 Ватт куч билан 5 дақиқадан 2 марта) бирламчи антитаначалар билан инкубациялаш амалга оширилди. Кейинги босқичларда КИТ (EnVision, Mouse/Rabbit) ва Dako Enterprises корхонасининг диаминобензидин хромогенини ишлатилди, хужайра ядросини эса Маер гематоксилини билан бўялди.

Меъда карциномалари ўсма хужайралари ва шиллик қаватнинг ўсмасиз эпителийсининг молекуляр-биологик маркерлар билан ИГК реакцияларини ўлчаш мумкин. Худди шу блокнинг параллел кесмаларида, антитаначалар ўрнига буфер аралашма ишлатилса негатив контрол сифатида қўллаш мумкин.

Маркерлар экспрессияси микроскопнинг х400 катталаштирилгандаги репрезентатив майдонларида ҳар 1000 та хужайрадаги иммунопозитив ўсма хужайралари сони бўйича, промиллеларда баҳоланди. Ўсма хужайраларининг (Кі 67 учун ядроларининг) ёки СД10 яқка хужайраларининг >50%о и бўялганида ИГК реакцияси мусбат деб қабул қилинди.

Қон томир эндотелиал ўсиш омили (VEGFP) ва эпидермал ўсиш омили (EGFR) рецепторлари экспрессияси стандарт усул бўйича ярим автоматик иммуногистотейнери орқали ўрганилди.

Меъда бўлимларини В.Л. Биков монографиясида тадқим этилган, ўсмага ёндош бўлган шиллик қаватнинг гистологик тузилиши бўйича аниқлаштирилди. ПЭТ-КТ усули орқали ва патоморфологик тадқиқот натижасида аниқланган ўсма инфильтрацияси тарқалиш даражаларини ўзаро солиштириш мақсадида, кардиа ва меъда туби карциномалари “проксимал” саратон гуруҳига бирлаштирилди.

Маълумотлар, шахсий компьютерда «Microsoft Word 2010», «Microsoft Excel 2010», «Microsoft Power point 2010», «Sigma plot 11.0», «Adobe

photoshop CX3» каби дастурларда қайта ишланди ва анализ қилинди. Макро ва микро фотосуратлар олиш учун «Nicon», «Zeis axiosam X3» ва «Leica» каби рақамли фотокамералар ишлатилди.

Диссертациянинг «**Инструментал текширув усулларининг патоморфологик хулосалар билан солиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ПЭТ текширувидан ўтган беморларда бирламчи ўсмаларнинг ПЭТ томонидан аниқланиш даражаси ўсманинг локализацияси, ўлчами, инвазия чуқурлиги, лимфа тугунларга метастазланиши, гистологик турига кўра гуруҳлага ажратилган ҳолда баҳоланди. Бирламчи меъда саратонини ФДГ ПЭТ ёрдамида аниқлашда ўсманинг ўлчамлари асосий ўрин тутди. ПЭТ текширувининг резолюцияси чегараланган бўлгани учун кичик ҳажмдаги ўсмаларни аниқлаш имкони қийин бўлади. Сўнгги босқич ўсмалар одатда йирикроқ ва чуқурроқ инвазияланганлиги учун ФДГ ПЭТ текширувида эрта босқич меъда саратонларига қараганда аниқланиш даражаси юқорироқ бўлади. Меъда саратонида ўсманинг жойлашувига кўра пилоро-антрал, меъда танаси, проксимал ҳамда тотал турларга бўлинди. Бирламчи ўсмаларнинг тарқалишига кўра гуруҳланган ўсмаларнинг қанча қисми ПЭТ томонидан муваффақиятли аниқланганини кўришимиз мумкин. Унга кўра меъда проксимал соҳасидаги ўсмаларнинг аниқланиш даражаси (73.3%), меъданинг тана қисмидаги ўсмаларнинг аниқланиш даражасидан (36.4%) каттароқ бўлган. Аммо, фарқ статистик жиҳатдан сезиларли эмас ($P>0.05$).

Бирламчи меъда саратонини ФДГ ПЭТ ёрдамида аниқлашда ўсманинг ўлчамлари асосий ўрин ўйнайди. ПЭТ текширувининг резолюцияси чегараланган бўлгани учун кичик ҳажмдаги ўсмаларни аниқлаш имкони қийин бўлади. Сўнгги босқич ўсмалар одатда йирикроқ ва чуқурроқ инвазияланган бўлгани учун ФДГ ПЭТ текширувида эрта босқич меъда саратонларига қараганда аниқланиш даражаси юқорироқ бўлади.

2-жадвал

Бирламчи ўсманинг ФДГ-ПЭТ текширувида унинг ўлчамларига кўра аниқланиш даражаси

№ №	Ўсманинг ўлчами	Умумий сони	ПЭТ томонидан аниқланган ўсмалар (n)	ПЭТ томонидан аниқланган ўсмалар (%)
1	<30мм	30	5	16.7
2	≥30мм	80	61	76.25

2-жадвалда ўсманинг ўлчамлари ҳамда уларнинг ПЭТ томонидан аниқланиш даражаси келтирилган. Унга кўра ФДГ-ПЭТ текширувининг 30мм ва ундан каттароқ бўлган ўсмаларга сезгирлиги (76.7%), 30мм дан кичикроқ бўлган ўсмаларга сезгирлигидан сезиларли даражада каттароқ экани маълум бўлади.

AJCC (American Joint Committee on Cancer) томонидан ишлаб чиқилган босқичлаш тизими ошқозон саратонини тавсифлаш ва башоратлаш учун кенг қўлланилади. AJCC қўлланмасининг 8-нашри ўсмани TNM тизими асосида босқичлашни қуйидагича белгилайди: T1 - ўсма ламина проприя ёки шиллик мушак қаватига инвазияланганда, T2 - ўсма мушак қаватини инвазиялаганда, T3 - ўсма бошқа инвазиясиз сероза ости тўқималарни эгаллаганда, T4 - ўсма виссерал қорин пардаси ёки қўшни тузилмаларни эгаллаганида. Жарроҳлик йўли билан даволаш асосий прогностик омил бўлиб, меъда ўсмаларининг инвазивлигини аниқлашга ҳаракат қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

3-жадвал

Бирламчи ўсманинг ФДГ-ПЭТ текширувида унинг инвазия чуқурлигига кўра аниқланиш даражаси

№	Ўсманинг инвазия чуқурлиги	Умумий сони	ПЭТ томонидан аниқланган ўсмалар (n)	ПЭТ томонидан аниқланган ўсмалар (%)
1	T1	48	12	25.0
2	T2	28	23	82.1
3	T3	29	25	86.2
4	T4	5	3	60.0

3-жадвалда ўсманинг инвазия чуқурлигига кўра ФДГ-ПЭТ текширувида аниқланиш даражаси акс эттирилган. T1 даражасидаги ўсмаларга эга беморлар эрта босқич меъда саратони, T2-T4 даражали беморлар эса ривожланган меъда саратони гуруҳларига ажратилди. Олинган маълумотларга кўра ФДГ-ПЭТ томонидан эрта босқич меъда саратонини аниқлаш даражаси (25,9%), ривожланган меъда саратонини (82,9%) аниқлашдан сезиларли даражада паст эканлигини кўриш мумкин.

AJCCнинг босқичлаш тизимининг 8-нашридаги N босқичи ўсма томонидан эгалланган лимфа тугунларининг сонига асосланган ҳолда баҳоланади. N1- 1 ёки 2 та лимфа тугунининг зарарланишини билдирса, N2 - 3 дан 6 тагача бўлган лимфа тугунлари, N3 - эса 7 та ва ундан ортиқ лимфа тугунларида ўсма борлигини кўрсатади. AJCC мезонлари бўйича гепатодуоденал, ретропанкреатик, месентерик ва пара-аорта тугунлари иштирокини узоқ метастазлар сифатида баҳолайди.

Ўсманинг лимфа тугунларига метастазланишига кўра ФДГ-ПЭТ текширувида аниқланиш даражаси кўрсатилган. Унга кўра лимфа тугунларига метастазланган 52 та ўсмадан 41 тасини ФДГ-ПЭТ текшируви ёрдамида аниқлаш имкони бўлган (79,3%). Бу лимфа тугунларига метастазланмаган ўсмаларни аниқлаш даражасидан (39,4%) сезиларли даражада юқорироқ. Лимфа тугунларидаги метастазларнинг ФДГ ПЭТ билан аниқланмаслиги сабаблари бир қанча бўлиши мумкин. Биринчиси, асосий ўсманинг гистологик тури бўлиб, одатда ФДГ истеъмоли паст бўлган диффуз турли саратонларнинг лимфа тугунларига берган метастазларининг ҳам ФДГ

ПЭТ томонидан аниқланиш имконияти паст бўлади. Иккинчи сабаб метастатик лимфа тугунларининг жуда кичик ўлчамлари бўлиб, бу ПЭТ сканерининг 4-6 мм гача бўлган аниқлаш даражасига кирмаслиги мумкин. Бундан ташқари лимфа тугунларидаги метастазлар асосий ўсма ёки меъда даворлари фонида турганида уларни аниқлаш қийинлашади. Шунга қарамасдан, ФДГ ПЭТ ва ПЭТ/СТ каби текширувлар лимфа тугунларининг фақат ўлчамларини эмас, шу билан бирга глюкоза метоболизмини ҳам баҳолагани учун, яллиғланиш натижасида катталашган лимфа тугунларини саратон метастазларидан фарқлаб олиш имконини беради.

30 нафар беморда (27.3%) операциядан олдин метастатик касаллик тасдиқланган. Улардан 11 таси (10%) ПЭТ томонидан аниқланган. ПЭТнинг метастатик касалликларни аниқлашда сезувчанлиги 35% ни фарқлаши 99% ни ташкил этди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Барча беморларда ПЭТ текширувининг метастазларга сезувчанлиги ҳамда фарқлаш натижалари

	Метастаз тасдиқланди	Метастаз тасдиқланмади	Умумий
Мусбат ПЭТ натижа	10	1	11
Манфий ПЭТ натижа	20	79	99
Умумий	30	80	110

18-ФДГга мойил бирламчи ўсмаларга эга беморлар орасида эса ПЭТнинг метастазларга сезувчанлиги 50%ни, фарқлаши 98% ни кўрсатди (5-жадвалга қаранг). ПЭТ текшируви ёрдамида аниқланган яширин метастатик касаллик нуқталарга суяк, жигар ва узок лимфаденопатия киритилади.


5-жадвал

18-ФДГга мойил бўлган ўсмаларга эга беморларда ПЭТ текширувининг аниқлиги

	Метастаз тасдиқланди	Метастаз тасдиқланмади	Умумий
Мусбат ПЭТ натижа	10	1	11
Манфий ПЭТ натижа	10	48	58
Умумий	20	49	69

Меъда саратонинг инвазия чуқурлиги (T), лимфа тугунларига метастазланиши (N), ҳамда узок метастазлар (M) ҳақида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида, 18-ФДГ ПЭТ текшируви учун TNM босқичлашнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу тадқиқотда баҳоланган 130 нафар бемордан 91 нафарида қайталанган касаллик борлиги тасдиқланди. Қолган 39 нафар бемор якуний ташхисга кўра рецидив учун салбий деб ҳисобланди. Ўзаро таққослаганда ПЭТ/КТ натижалари ҳақиқий

рецидивга эга бўлган 91 нафари бемор орасида 83 нафари ижобий ва 8 нафари эса салбий ФДГ намоён қилган.



1-расм. Ривожланган меъда саратонларида 18-ФДГ сўрилишига таъсир этувчи гистопатологик омиллар. (А,В,С) ичак гистологик турига мансуб, 18-ФДГ истеъмоли юқори бўлган (кўрсаткичлар) ривожланган меъда саратони. (Г&Э, х100). (D,E,F) диффуз гистологик турига мансуб, 18-ФДГ истеъмоли паст бўлган (кўрсаткичлар) ривожланган меъда саратони (Г&Э, х100).

Алоҳида органларга асосланган таҳлил бўйича, барча 5 гуруҳда ҳам ташхислашнинг аниқликлги 75%дан юқори бўлди, соҳавий лимфа тугунларини аниқлашда эса ҳатто 86% гача. Сезувчанлик, фарқлаш, ижобий ишончлилик кўрсаткичи (ИИК) ва салбий ишончлилик кўрсаткичи (СИК) ҳам 70% дан юқори эди. ПЭТ текширувининг меъда саратони ўсмаларини таҳлил қилиш қобилиятини объектив баҳолаш учун унинг сезувчанлиги, фарқлаши, аниқлиги, ижобий ишончлилик кўрсаткичи (ИИК) ҳамда салбий ишончлилик кўрсаткичи (СИК) каби параметрлари ҳисоблаб чиқилди.

6-жадвал

Умумий беморлар сонида ПЭТ текширувининг ташхисий қобилияти параметрлари. ИИК – ижобий ишончлилик кўрсаткичи, СИК – салбий ишончлик кўрсаткичи

ПЭТ текширувининг меъда саратони ўсмаларини таҳлил қилиш қобилияти					
	Сезувчанлик	Фарқлаш	Аниқлик	ИИК	СИК
Эрта босқич меъда саратони	0	85.3	78.4	0	85.5
